ISSN 2223-4047

# ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ

10-4, 2020



*научный журнал*

# *ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ* 10-4(109) 2020

Научный журнал

издается с сентября 2011 года

**Учредитель:**

ООО «Коллоквиум»



Полное или частичное воспроизведение материалов, содержащихся в настоящем издании, допускается только с письменного разрешения редакции.



**Адрес редакции:**
424002, Россия,
Республика Марий Эл,
г. Йошкар-Ола,
ул. Первомайская, 136 «А».
**тел.** 8 (8362) 65 – 44-01.
**e-mail:** magisterjourn@gmail.com.
**http:** // www.magisterjournal.ru.
Редактор: Е. А. Мурзина
Дизайн обложки: Студия PROekT
Перевод на английский язык
Е. А. Мурзина

Распространяется бесплатно.
Дата выхода: 30.10.2020 г.
ООО «Коллоквиум»
424002, Россия,
Республика Марий Эл,
г. Йошкар-Ола,
ул. Первомайская, 136 «А».



**Главный редакторЕ. А. Мурзина**

***Редакционная коллегия:***

**Е. А. Мурзина**, канд. экон. наук, доцент (главный редактор).

**А. В. Бурков,** д-р. экон. наук, доцент (г. Йошкар-Ола).
**В. В. Носов**, д-р. экон. наук. профессор (г. Москва)
**В. А. Карачинов**, д-р. техн. наук, профессор (г. Великий Новгород)
**Н. М. Насыбуллина**, д-р. фарм. наук, профессор (г. Казань)
**Р. В. Бисалиев**, д-р. мед. наук, доцент (г. Астрахань)
**В. С. Макеева**, д-р. педаг. наук, профессор (г. Орел)
**Н. Н. Сентябрев**, д-р. биолог. наук, профессор (г. Волгоград)
**Н.С. Ежкова,** д-р. педаг. наук, профессор (г. Тула)
**И. В. Корнилова**, д-р. истор. наук, доцент (г. Елабуга)
**А. А. Чубур**, канд. истор наук, профессор (г. Брянск).
**М. Г. Церцвадзе**, канд. филол. наук, профессор (г. Кутаиси).
**Н. В. Мирошниченко**, канд. экон. наук, доцент (г.Саратов)
**Н. В. Бекузарова**, канд. педаг. наук, доцент (г. Красноярск)
**К. В. Бугаев**, канд. юрид. наук, доцент (г. Омск)
**Ю. С. Гайдученко**, канд. ветеринарных.наук (г. Омск)
**А. В. Марьина**, канд. экон. наук, доцент (г. Уфа)
**М. Б. Удалов**, канд. биолог.наук, науч.сотр. (г. Уфа)
**Л. А. Ильина**, канд. экон. наук. (г. Самара)
**А. Г. Пастухов**, канд. филол. наук, доцент, (г.Орел)
**А. А. Рыбанов**, канд. техн. наук, доцент (г. Волжский)
**В. Ю. Сапьянов**, канд. техн. наук, доцент (г. Саратов)
**О. В. Раецкая**, канд. педаг. наук, преподаватель(г. Сызрань)
**А. И. Мосалёв**, канд. экон. наук, доцент (г. Муром)
**С. Ю. Бузоверов**, канд. с-хоз. наук, доцент (г. Барнаул)



© ООО «Коллоквиум», 2020

76 | ***Г.А. Лукьянова***
Современные гаджеты и особенности их влияния на детей старшего дошкольного возраста
79 | ***М.Б. Шарипова, Ш.Ш. Муродова***
Эпическая традиция и былина «Алпомиш»
81 | ***Ш.М. Сатторов, М.С. Муратова***
Организация занятий по физическому воспитанию в дошкольных учреждениях
83 | ***А.Ш. Усмонов***
Влияние словесного метода и наглядных пособий на уроках физкультуры
85 | ***Ф.С. Фазлиддинов***
Принцип регулярности в физическом воспитании и его значение
87 | ***Н.Р. Сабирова***
Основные понятия физического воспитания и спорта
89 | ***Б.Б. Саъдуллаев***
Значение методов обучения в организации занятий физической культурой
91 | ***М.Э. Шарипова***
Наглядные методы преподавания истории и пути их формирования

УДК 801

***М.Б. Шарипова, Ш.Ш. Муродова***

**ЭПИЧЕСКАЯ ТРАДИЦИЯ И БЫЛИНА «АЛПОМИШ»**

*Статья посвящена былине «Алпомиш», самому бесценному сокровищу, воспетому на протяжении веков мастерами эпоса, воплощающему древние представления нашего народа.*

***Ключевые слова**: люди, сказитель, легенда, племя, эпос, эпический цветок, нация, рукопись, трансформация.*

Халқ ижодини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи, бугуни ва келажаги, тафаккур тарзи ҳамда руҳиятини ўрганиш демакдир. Зеро, эпик ижод ҳар бир халқнинг бадиий тарихидир.

«Алпомиш» достони ҳам халқимизнинг қадим тасаввурларини ўзида намоён этган, эпик санъаткорлар томонидан асрлар давомида куйланиб келинган энг бебаҳо дурдонадир. Биргина мисол, эпосда миллий урф-одатларимиз билан боғлиқ маросимларнинг акс тишини, бахшининг эпик анъанага нечоғлик риоя этганлигини олиб қарайлик. Шуни айтиб ўтиш керакки, эпоснинг, айникса қаҳрамонлик достонларининг бевосита маросим боғлиқ жиҳатлари ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Архаик эпосда, жумладан, „Алпомиш" достонида ҳам маросимларнинг муҳим ўрин тутиши ва устивор қонуният кашф этиши кузатилади. Бироқ, қаҳрамонлик эпоси биргина маросимлардан келиб чиқади ёки туғилади деб хулосалаш масалани ўта жўн ҳал этиш бўлади. Маросим эпик формаларнинг транцформацияси орқали юзага чиқади. Ушбу архаик эпик форманинг бевосита маросим билан алоқадорлик томонларини тадқиқ этиш эпоснинг туб асосларини ёритишда ўта муҳимдир. Бу ўринда икки жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур: Биринчидан, эпоснинг маросимлардаги ўрни ва функцияси. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида давом этаётган қадимий анъана - тўйу томошо ва бошқа маросимларнинг бахшилар иштирокида ўтказилиши. Иккинчидан, маросимларнинг эпосда акс этиши, яъни маросимларнинг эпос сюжетида тутган ўрни.

«Алпомиш» достонини, таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг кўҳна маросимлар, урф одатлар, иримсирим, таъбуларининг «қомуси» деб аташ мумкин. Чунки, ҳеч бир эпосда халқимизнинг маиший ҳаёти бунчалик кенг кўламда ўзининг бадиий ифодасини топмаган. Фарзанднинг туғилишидан олдин овга чиқмоқ, суюнчи олмоқ, фарзанднинг туғилиши, фарзандга исм қўймоқ, этагига солмоқ, бешик тўй, тўй маслаҳати, жарчи қўймоқ, чуфуррон тўй каби турли хил одат ва маросимларнинг «Алпомиш» эпосидан жой олиши муҳим аҳамиятга эга ва улар махсус тадқиқотларни талаб этади.

Маросимнинг эпосда акс этиши ҳақида сўз кетар экан, унинг асосан икки: а) маиший турмушда ўз ижро ўрнига эга бўлиб, эпосда ҳам бадиий акс этган (фарзанднинг туғилиши, исм қўйиш, бешиккерти қилмоқ, ataштириб рўмол ўрамоқ, совчи қўймоқ, қаллиқ ўйнамоқ ва ҳакоза; б) маиший турмушда ижро ўрни унитилиб, бадиий ҳолатга кўчган (фарзанд туғилишидан олдин овга чиқиш, куёвга келин томонидан шартлар қўйилиши ва ҳ.) жиҳатларини тадқиқ этиш лозим бўлади.

«Қиз яшириш», яъни турмушга чиқаётган қизнинг жамоадан ажратилиши, унинг иҳота қилиниши, яъни ҳар хил нохушликлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун қилинган амалий ҳаракат бўлиб, Барчиннинг тепаликка, ўтов тикиши эса ана шу қадим маросимнинг достондаги бадиий ифодасидир.

Сочнинг маросим ва фольклордаги ўрни, функцияси ва поэтик кўлами шу даражада улканки, буни биргина мақола ёки тадқиқот доирасида ҳал этиш анчайин мушкул масала.

Маросимда магик ҳаракатлар ритуал аҳамият касб этса, эпосда у бадиий кўринишга эга. Буни «Алпомиш» достонидаги «соч сийпатар» ва шу каби маросимларда кўришимиз мумкин.

Соч, ёл бу руҳга тегишли. Бировнинг сочи ёхуд ёлига эгалик қилиш, унинг руҳга эгалик қилиш, уни ўзига тобе этиш билан баробар ҳисобланган. Фрэзер соч қадим маросимларда энг юксак мавқеда бўлганлигини, ибтидоий инсон сочни тараш, олдириш, куйдириш орқали табиатга ва руҳга таъсир қилиш мумкин деб ҳисоблаганлигини таъкидлайди.

Соч сийпатар, умуман сочнинг ўрилиши бу қиз боланинг балоғатга етганлиги англатувчи унсурлардан бири булиб, у қадимий соч магияси билан боғлиқ маросимнинг трансформацияга учраган бир кўринишидир. Соч магияси биринчи навбатта ҳосилдорлик культига бўлган эътиқоддан келиб чиққан. «Алпомиш» достонидаги «соч сийпатар» маросимида ҳам ана шундай қадим тасаввурлар ўз ифодасини топган.

© Шарипова М.Б., Муродова Ш.Ш., 2020.

Ойна аслида сувнинг атрибути ҳисобланади, сув табиий хусусияти билан кўзгуга тенглаштирилган. Сув эса икки дунё ўртасидаги чегара. Шунинг учун ҳам сувнинг барча дин ва турли хил маросимлардаги ўрни жуда баланд.

Хулоса қилиб айтганда, эпос ва маросим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Маросимларнинг тарихий илдизларини ёритишда «Алпомиш» га ўхшаш эпосларимизга мурожаат этишимиз табиий. Эпосдаги мотивларни эса маросимлар билан қиёсий ўрганганимиздагина уларнинг мазмун моҳияти янада тўларoқ очилиши мумкин.

*Фойдаланилган адабиётлар*

1. Алпомиш. Достон. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. –Тошкент: Фан, 1999. –820 б.
2. Мирзаев Т. Эпос и сказитель.–Ташкент: Фан, 2008. –С. 70– 160.

---

*ШАРИПОВА МАХБУБА БАХШИЛЛОЕВНА* - преподаватель, факультет дошкольного образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

*МУРОДОВА ШАХЛО ШУХРАТОВНА* - студентка факультета дошкольного образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

# СЕРТИФИКАТ

настоящим удостоверяем, что

М.Б. Шарипова

является автором статьи, представленной к публикации в научном журнале

«Вестник магистратуры». 2020. №10 (109)

ISSN 2223-4047

тема статьи: Эпическая традиция и былина «Алпомиш»

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА
eLIBRARY.RU

Профиль журнала: http://elibrary.ru/title_about.asp?id=32775

on-line: http://www.magisterjournal.ru/numbers.htm

«Коллоквиум»

Е.А. Мурзина, к. э. н., доцент,
генеральный директор
ООО «Коллоквиум»